

# Ўтилган 11-мавзуни ўзлаштириш бўйича тезкор саволлар

1. Кўп қаватли уйлар атрофидаги ер участкалари кимнинг тасарруфида бўлади?
- 2.Кўп қаватли уйлар атрофидаги ер участкаларидан фойдаланишнинг қандай хусусиятлари мавжуд?
- 3.Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати тушунчаси нимани англатади?

## **12-МАВЗУ: САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, МУДОФАА ВА БОШҚА МАҚСАДЛАР УЧУН МҮЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ (8 соат)**

**РЕЖА:**

- 1.Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мүлжалланган ерлар тушунчаси.**
- 2.Саноат, транспорт, алоқа, мудофа ва бошқа мақсадларга мүлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий хусусиятлари;**
- 3.Саноат ерларининг ҳуқуқий ҳолати;**
- 4. Транспорт ерларининг ҳуқуқий ҳолати;**
- 5.Алоқа ва мудофаа әхтиёжларига мүлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**

**12-мавзу. 1-маъруза :**  
**Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа  
ерлар тўғрисида тушунча ва уларнинг ҳуқуқий  
ҳолатидаги умумий хусусиятлар**

**РЕЖА:**

- 1. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи манбалар.**
- 2. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерлар тушунчаси.**
- 3. Саноат, транспорт, алоқа, мудофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий хусусиятлари**

# МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 20 дақиқа	Гурухлар давомати назорат қилинади. Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	2.1.Мвзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.  2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.  Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.  2..3.Мавзу режалари бўйича хуносалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.  3. Мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)	Ўқийдилар  Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар  Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хуноса қиласди. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.  3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)	Тинглайдилар  Топшириқни ёзиб оладилар

# Маъруза машғулотини ўқитии технологияси

<b>Талабалар сони 96</b>	12-Мавзу, 2--маъруза 2 соат
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Маъруза-ахборот
<b>Машғулотнинг режаси:</b>	<p>1. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи манбалар.</p> <p>2. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерлар тушунчаси.</p> <p>3. Саноат, транспорт, алоқа, мудофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий хусусиятлари</p>
<b>Машғулотнинг мақсади:</b>	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерлар тўғрисида тасаввурни шакллантириш.
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
<p>1. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи манбалар. тўғрисида тушунчалар беради</p> <p>2. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерлар тўғрисида тасаввурга эга бўлади.</p> <p>3. Саноат, транспорт, алоқа, мудофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий хусусиятлари тўғрисида тасаввурга эга бўлади.</p>	<p>1. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи манбалар. тўғрисида тасаввурга эга бўлади.</p> <p>2. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерлар тўғрисида тасаввурга эга бўлади.</p> <p>3. Саноат, транспорт, алоқа, мудофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий хусусиятлари тўғрисида тасаввурга эга бўлади.</p>
<b>Ўқитиши услуби ва техникаси</b>	Ахборотли маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
<b>Ўқитиши воситалари</b>	Доска, топшириклар, тарқатма материаллар.
<b>Ўқитиши шакли</b>	Фронтал, колектив иш,
<b>Ўқитишишарт- шароити</b>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР:**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Ben McFarlane,Nicholas Hopkins. *Land Law: Text, Cases, and Materials.* OUP Oxford, 2012
2. М.Ҳ. Рустамбоев ва бошқ. Ер хуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237 б.
3. А.Нигматов. Ер хуқуқи. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
4. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
5. Mirzaabdullaeva M.R.,Muqitov A.,Xafizova Z.X.Yer huquqi. O'quv qo'llanma. -Т.:TIMI, 2016, – 202 b.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Земельное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.
2. Земельное право Республики Узбекистан: Учебник. Под. Ред. М.Х.Рустамбева. – Т.: ТГЮИ, 2007. -214 стр.
3. Ерофеев Б.В. Земельное право: Учебник. –М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. -348 стр.
4. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. –Т.: Адолат, 1998
5. Ўзбекистон Республикасининг саноат,транспорт, алоқа,мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тартибини белгиловчи маҳсус қонунлар ва қонунисти ҳужжатлари.

### **Интернет ва Зиёнет сайtlари:**

1. <http://www.Lex.uz>
2. <http://zakon.rin.ru>

## **ЕР ҚОНУНЧИЛИГИ ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

### **Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш тартибида ўзгариш бўлади**

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартибида ўзгаришлар юз беради. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори лойиҳаси муҳокама учун [Эълон қилинди](#).

Хусусан, **Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар билан кўп болали оила тушунчаси қўйидагича таҳрирга эга бўлади – ўн саккиз ёшгача беш нафар ва ундан зиёд болалари бўлган қонуний никоҳдан ўтган кам таъминланган эр хотин ёки ёлғиз она (ота).**

Шунингдек, **ижтимоий-маиший шароитини яхшилашга муҳтож оила** – таркибида биринчи гуруҳ ногирони бўлган ёхуд сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи ва қонун ҳужжатларига мувофиқ алоҳида хонада яшашга эҳтиёж сезувчи шахс бўлган оила.

Бундан ташқари, кўп болали оилалар ва ижтимоий-маиший шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача ва ушбу ҳажм доирасидаги ер участкалари аукционсиз бериладиган бўлади.

Ҳужжатда қайд этилишича, кам таъминланганлик тўғрисидаги маълумотнома туман (шахар) ҳокими бошчилигидаги доимий амал қилувчи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси сўровига асосан ариза берган фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тақдим этилади.

\*Ўзбекистон Республикаси  
\*Ер кодекси  
(8-боб 69-70 моддалари)

Ўзбекистон  
Республикаси  
шахарсозлик кодекси  
(6-боб )

**Ер фондининг  
3-тоифасида юзага  
келадиган ер  
муносабатларини  
тартибига  
солувчи манбалар**

Қонун ости  
хужжатлари

Ўзбекистон  
Республикасининг  
саноат, транспорт, алоқа,  
мудофаа ва бошқа  
мақсадларга  
мўлжалланган  
ерлардан фойдаланиш  
тартибини белгиловчи  
махсус қонунлар

**Ўзбекистон Республикасининг саноат, транспорт, алоқа,  
мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган  
ерлардан фойдаланиш тартибини белгиловчи маҳсус қонунлар ва  
қонуности ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикаси қонуни “[Ер ости бойликлари тўғрисида](#)” (23.09. 1994 й 10 бўлим 51 модда)

Ўзбекистон Республикаси қонуни “[Телекоммуникациялар тўғрисида](#)” (20.08.1999 й. 28 модда)

Ўзбекистон Республикаси қонуни “[Автомобил йўллари тўғрисида](#)” (29.06.2007 й. 6 боб 30 модда)

Ўзбекистон Республикаси қонуни “[Мудофаа тўғрисида](#)” (03.07.1992 й. 17 модда)

**Қонун ости ҳужжатлари ([619](#), [626](#))**

# Республика ҳудудидаги барча ерлар ва ер фондига оид маълумотлар

«Ергеодезкадастр» ДКнинг Миллий ҳисоботи  
бўйича


**Саноат ва транспорт, алоқа, мудофаа ва  
бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар**  
мамлакат ер фонди тизимида алоҳида  
мустақил тоифани ташкил этади. 2019 йининг 1  
январ ҳолатига кўра ушбу тоифа ерларининг  
майдони **866.3 минг гектарни**, ёки жами  
фойдаланиладиган ерларнинг **1.93 фоизини**  
ташкил этади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИНинг ТОИФАЛАРИ БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ  
ТАҲЛИЛИ**

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдони, минг га		% ҳисобида	
		01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.	01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20261,6	20236,3	45,13	45,08
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	221,2	221,4	0,49	0,49
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ерлар	857,1	866,3	1,91	1,93
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	704,4	710,4	1,57	1,58
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	14,3	14,5	0,03	0,03
6	Ўрмон фонди ерлари	11153,3	11199,5	24,84	24,95
7	Сув фонди ерлари	833,7	836,9	1,86	1,87
8	Захира ерлар	10846,8	10807,1	24,16	24,07
	<b>Жами ерлар:</b>	<b>44892,4</b>	<b>44892,4</b>	<b>100.0</b>	<b>100.0</b>

# Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг тақсимланиши (минг га ҳисобида)

Т/р	Республика, шахар ва вилоятларнинг номи	Умумий ҳамиятни ишин	Экин сарф	Кўп йиғлилар даражатзорлар						(минг га ҳисобида)				
				Жами	шу жумладан				Бўйича масалан кўнгилор ва бошқа зарбазлар	Бўйича пешагор ва яйлоклар	Жами кишоик хўжалик сарфи	Томони хамма бўйича хўжалик ва сабоючилик услубларининг сарфи	Ўрмонкорлар	Бошка сарф
					Бозор	Узумкорлар	Чуторлар	Дарахтхозлар						
1	Қаренсанлоғистон Республикаси	177,9								0,1	0,1	0,1	0,1	177,6
2	Андиқон	20,1									0	0,4		19,7
3	Бухоро	89,9	0,1	0,1	0,1					42,1	42,3	0,3	0,5	46,8
4	Жиззах	27,3	0,1	0,1	0,1					7,7	7,9	0,1	0,3	19
5	Қашқадарё	66,8	0,1	0,2	0,2					9	9,3	0	3	54,5
6	Навоий	56,2	0,1	0,1	0,1					1,1	1,3	0,7		54,2
7	Наманган	51,9	1	0,7	0,5	0,1	0,1			15,6	17,3	0,3	0,3	34
8	Самарқанд	84,2	0,1	0,1		0,1				54	54,2	0,6	0,3	29,1
9	Сурхондарё	109,1	0,1	0						17,1	17,2	0,1	8,1	83,7
10	Сирдарё	11,1	0,2	0							0,2	0	0,1	10,8
11	Тошкент	81,1	2	0,5	0,5					5,6	8,1	4,1	0,6	68,3
12	Фарғона	50,5	0,1	0,2	0,2					0,8	1,1	0,9	0,1	48,4
13	Хоразм	18,2	0,5	0,2	0,1				0,1	0,1	0,8	0,2	1,7	15,5
14	Тошкент ш.	22		0							0			22
	ЖАМИ:	866,3	4,4	2,2	1,8	0,2	0,1	0,1	153,2	159,8	7,8	15,1	683,6	



## **Саноат максадларига мүлжалланган ерлар тушунчаси**

ЕК 69-  
модда

Саноат максадларига мүлжалланган ерлар жумласига саноат корхоналарига, шу жумладан кон саноати, энергетика корхоналарига ишлаб чикириш ва ёрдамчи бинолар хамда иншоотлар куриш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

## **Транспорт максадларига мүлжалланган ерлар тушунчаси**

ЕК 69-  
модда

Транспорт максадларига мүлжалланган ерлар жумласига темир йўл, ички сув транспорти, автомобиль, хаво ва трубопровод транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига транспорт иншоотлари, курилмалари ва бошка объектларидан фойдаланиш, саклаш, куриш, реконструкция килиш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

## **Алока максадларига мўлжалланган ерлар тушунчаси**

ЕК 69-  
модда

Алока максадларига мўлжалланган ерлар жумласига алока линияларини хамда уларга тегишли иншоотларни жойлаштириш учун алока, радиоэшиттириш, телевидение ва ахборот корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий фойдаланишга берилган ерлар киради

## **Мудофаа эҳтиёжларига мўлжалланган ерлар тушунчаси**

ЕК 69-  
модда

Куролли Кучлар, чегара, ички ишлар ва темир йўл кўшинларининг харбий кисмлари, харбий ўкув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг жойлашуви хамда доимий фаолияти учун берилган ерлар мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерлар деб эътироф этилади.

## **Бошқа максадларга мўлжалланган ерлар тушунчаси**

ЕК  
69-  
модда

Бошқа максадларга мўлжалланган ерлар жумласига корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фойдаланиб келаётган, кишлок хўжалигига мўлжалланган ерлар, ахоли пунктларининг ерлари, саноат, транспорт, азот, мудофаа, табиатни мухофаза килиш, согломлаштириш, рекреация максадлариiga мўлжалланган ва тарихий-маданий ахамиятга молик ерлар, шунингдек ўрмон ва сув фонdlари ерлари таркибиiga кирмаган колган барча ерлар киради.

## **Саноат, транспорт, алоқа ва мудофаа мақсадлариға мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар**

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа корхоналариға ер участкалари фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг [23-моддаси](#)да белгиланган тартибда доимий эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилади. Бунда ер участкалари тегишли корхоналарга маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ер қонунчилигида белгиланган тартибда ажратиб берилади. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ер кодексининг [31-моддасида](#) назарда тутилган асосларда вужудга келади. Тегишли корхоналарнинг ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқи эса ушбу ҳуқуқни берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Саноат, коммунал, омборхона объектлари, муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар объектларини жойлаштириш мақсадида ер участкалари ажратилганда бундай ерларда санитария-муҳофаза зоналари барпо этиш кўзда тутилади.

Саноат, коммунал ва омборхона объектларининг санитария-муҳофаза зонасида уйлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, дам олиш объектлари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари, боғдорчилик-узумчилик ва полизчилик ширкатлари жойлаштирилишига, шунингдек қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти этиштирилишига йўл қўйилмайди.

## **Саноат, транспорт, алоқа ва мудофаа мақсадлариға мүлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар**

Ушбу тоифа ерларида фаолият кўрсатаётган субъектлар асосан юридик шахслар (корхона, ташкилот ёки муассаса) бўлиб, жисмоний шахслар (фуқаролар) томонидан амалга оширилмайди.

Саноат, транспорт, алоқа ва мудофаа мақсадлариға мүлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлардан бири ушбу тоифа ерлари атрофида маҳсус ердан фойдаланиш фаолияти белгиланган муҳофаза зоналарининг ўрнатилишидир. Мисол учун, транспорт мақсадлари, кабел, радио ва электр узатиш тармоқлари учун мүлжалланган ерлар атрофида фаолиятдаги қонунчилик бўйича муҳофаза зоналари ўрнатилади.

## **Саноат, транспорт, алоқа ва мудофаа мақсадларига мүлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар**

Ушбу тоифа ерлари ҳуқуқий ҳолатининг асосий вазифаси ерлардан самарали фойдаланишини таъминлаш Бу масала на фақат турли ноқишлоқ хўжалик обьектларини эксплуатация қилиш учун шароитлар яратиш, балки турли хўжалик юритиш шаклларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига салбий таъсирига йўл қўймаслик орқали таъминланади.

Саноат, транспорт, алоқа ва мудофаа мақсадларига мүлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолати ўзининг ички мазмунига эга бўлади ва бошқа тоифалар ҳуқуқий ҳолати билан ташқи алоқага эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, қурилиш ва бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун яроқсиз ёки унумдорлиги паст бўлган қишлоқ хўжалик ерларидан ажратилади.

## **Саноат, транспорт, алоқа ва мудофаа мақсадларига мүлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар**

Қурилиш ва бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мүлжалланган ерлар фақатгина маҳсус ҳолатларда, ушбу мақсадлар учун бошқа ерлардан ажратиш мумкин бўлмаган ҳолатларда амалга оширилади, ушбу ерлар қишлоқ хўжалиги учун қайтарилганда рекультивация қилиниши талаб қилинади.

Ушбу тоифа ерларида режалаштирилган объектларнинг қурилиши узоқ муддатга чўзилиши сабабли керакли майдон бирданига эмас балки қурилиш навбати ва ерларни ўзлаштириш билан боғлик ҳолатда ажратилади.

Саноат, транспорт, алоқа ва мудофаа мақсадларига мүлжалланган ерлар халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун хизмат қиласди, шу сабабли ушбу ерлардан фойдаланиш назорати турли органлар томонидан олиб борилади. Ушбу органлар асосан давлат органлари ҳисобланади чунки саноат, транспорт, алоқа ва мудофаа фаолияти бизнинг республикамизда давлат фаолият соҳалари ҳисобланади.

**УШБУ ТОИФА  
ЕРЛАРИ  
ХУҚУҚИЙ  
ХОЛАТИДАГИ  
АСОСИЙ  
ХУСУСИЯТЛАР**

- Ушбу тоифага кирувчи ерлар турли ҳил вазирликлар ва қўмиталар бошқарувида бўлади
- Ушбу тоифа ерлари асосан ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун берилади
- Ушбу тоифа таркибига кирувчи ерларнинг ҳуқуқий ҳолати на фақат Ер кодекси балки бошқа идоравий ҳужжатлар нормалари билан ҳам тартибга солинади
- Ушбу тоифа ерлари атрофига санитария-муҳофаза зоналари ўрнатилади.

## **Үтилган мавзуни ўзлаштирилганик даражасини аниқлаш бүйича тезкор саволлар**


1. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мүлжалланған ерлар ҳуқукий ҳолати қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?
2. Нима сабабдан турли мақсадлар учун мүлжалланған ерлар ер фондининг битта тоифасига бириктирилган?

# **ДИҚҚАТ ЭЪЛОН !!!**

1-оралиқ назоратда қўшимча 1 балга эга  
бўлишни хохлайсизми?


Унда қуидаги саволга жавобни тайёрлаб  
топширинг:

**Бошқа максадларга мўлжалланган ерларга  
қайси юридик шахс ва қандай кўринишда  
фойдаланилаётган ер участкалари мисол бўла  
олади???**



# ФИКР.МУЛОХАЗА.ИСБОТ

- **ФСМУ**



- **Ф** – Фикрингизни баён этинг
- **С** – Фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
- **М** – Фикрингизга мисол келтиринг
- **У** – Фикрларингизни умумлаштиринг, хуносаланг